

Самарқанд вилоят Адлия  
бошқармаси томонидан 2021 йил  
«11» март да «S» - сон билан  
давлат рўйхатига олинган



“SAM LEX UNIVERSALIS”  
адвокатлик фирмасининг 2022 йил  
“12” апрель кунги №-1  
сонли баённомаси билан  
тасдиқланган



**« SAM LEX UNIVERSALIS » АДВОКАТЛИК  
ФИРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ  
КЎРСАТУВЧИ ҲАЛҚАРО  
ТИЖОРАТ ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ**

**РЕГЛАМЕНТИ**

**«SAM LEX UNIVERSALIS» адвокатлик фирмаси хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи  
халқаро тижорат Ҳакамлик судининг  
РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. «SAM LEX UNIVERSALIS» адвокатлик фирмаси хузуридаги доимий фаолият  
кўрсатувчи халқаро тижорат Ҳакамлик суди**

1. «SAM LEX UNIVERSALIS» адвокатлик фирмаси хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи халқаро тижорат Ҳакамлик суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни, шу жумладан халқаро низоларни ҳал қиладиган нодавлат орган ҳисобланади.

2. Ҳакамлик суди ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, шу жумладан “Ҳакамлик судлари тўғрисида” (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ҳакамлик судининг Низоми ҳамда ушбу Регламент асосида олиб боради.

**2-модда. Ушбу Регламентнинг қўлланиш соҳаси**

1. Ушбу Регламент «SAM LEX UNIVERSALIS» адвокатлик фирмаси (бундан буён матнда Фирма деб юритилади) томонидан тасдиқланган локал ҳужжат бўлиб, Ҳакамлик судида низони ҳал этишни тартибга солувчи, Ҳакамлик судига мурожаат қилиш, ҳакамлик судьяларини ҳамда халқаро арбитражларни сайлаш (тайинлаш) қоидаларини ва ҳакамлик муҳокамаси тартиб-таомилини ўз ичига олувчи нормаларни ифодалайди.

2. Ушбу Регламент Ҳакамлик суди ходимлари, Ҳакамлик судининг ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган ҳакамлик судьялари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Агар Ҳакамлик судига низо тақдим этилиши тўғрисидаги ҳакамлик битими тузилишида ҳакамлик битимининг тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ушбу Регламентнинг барча қоидалари тарафлар ўртасида тузилган ҳакамлик битимининг ажралмас қисмига айланади ва ҳакамлик битими тарафлари учун мажбурий хусусиятга эга бўлади.

4. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки Ҳакамлик суди томонидан жалб этилган ҳакамлик муҳокамасининг бошқа иштирокчилари ҳакамлик муҳокамасида иштирок этишга берган розилиги билан ушбу Регламентнинг қоидаларига риоя қилиш бўйича мажбуриятларни қабул қилади.

**3-модда. Ҳакамлик суди фаолиятининг асосий принциплари**

Ҳакамлик судининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги асосида амалга оширилади.

**4-модда. Ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги**

1. Ҳакамлик суди ходимлари, ҳакамлик судьялари ва ҳакамлик муҳокамасининг бошқа иштирокчилари ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

2. Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

3. Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси Ҳакамлик судининг ёпиқ мажлисида тарафлар ёки уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади. Ҳакамлик суди руҳсати ва ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг



розилиги билан ёпиқ мажлисда ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлмаган шахслар қатнашиши мумкин.

**5-модда. Низо ҳал этилаётганда ва ҳал қилув қарорлари қабул қилинаётганда Ҳакамлик суди томонидан қўлланиладиган нормалар**

1. Ҳакамлик суди низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилади. Агарда Ҳакамлик суди таркиби билим ва кўникмалари йул қўйса, Ҳакамлик суди тарафларининг танловига кўра низолар Ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ёки бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилиши мумкин.

2. Ҳакамлик суди шартнома шартларига мувофиқ ва иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарорини қабул қилади.

3. Агар ҳакамлик битими тарафларининг муносабатлари қонун ҳужжатлари ёки ҳакамлик битими тарафларининг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса ва бу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган иш муомаласи одати мавжуд бўлмаса, Ҳакамлик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини қўллайди (қонун ўхшашлиги), мазкур ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса ҳакамлик битими тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларининг мазмунидан (ҳуқуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2-боб. Ҳакамлик судининг фаолиятини ташкил қилиш**

**6-модда. Ҳакамлик судьясига (арбитрларига) қўйиладиган талаблар**

1. Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг ҳолис ҳал қилинишини таъминлашга қодир бўлган, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин.

2. Ҳакамлик судьялари ўз хохишига кўра исталган вақтда ариза бериш йўли билан судьялар таркибидан чиқиб кетиши мумкин.

3. Низони яқка тартибда ҳал қилувчи ҳакамлик судьяси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Низо ҳайъатда ҳал қилинаётганда Ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак.

4. Қўйидагилар ҳакамлик судьяси бўлиши мумкин эмас:  
муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати қонунда белгиланган тартибда тугатилган шахс;

қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс.

5. Ҳалқаро низони кўриб чиқишда тарафлар ўз хохишига кўра арбитраж судини белгилаши мумкин. Бундай келишув бўлмаганда уч нафар арбитраж суди тайинланади.

Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, ҳеч бир шахс ўзининг фуқаролиги сабабли арбитраж суди сифатида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Башарти тарафлар ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидаларига риоя этса, арбитраж суди ёки арбитраж судларни тайинлаш тартиб-таомилини ўз хохишига кўра келишиб олиши мумкин.

Бундай келишув мавжуд бўлмаса:

1) уч нафар арбитраж суди тартибда ҳар бир тараф биттадан арбитраж суди тайинлайди ва шу тартибда тайинланган икки нафар арбитраж суди учинчи арбитраж суди тайинлайди. Агар бир тараф бошқа тарафнинг бу ҳақдаги илтимоси олинганча ўттиз кун ичида арбитраж суди тайинлашга ёки икки арбитраж суди ўзи тайинланган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида учинчи арбитраж суди тайинлаш



тўғрисида келиша олмаса, арбитр исталган тарафнинг илтимосига биноан суд томонидан тайинланади;

2) якка тартибдаги арбитражлик арбитражида, агар тарафлар арбитражни танлаш тўғрисида келиша олмаса, арбитр тарафлардан исталган бирининг илтимосига биноан суд томонидан тайинланади.

Агар тарафлар томонидан келишилган тайинлаш тартиб-таомилида:

1) тарафлардан бири бундай тартиб-таомилга риоя этмаса; ёки

2) тарафлар ёки икки арбитр бундай тартиб-таомилга мувофиқ келишувга эриша олмаса;

ёки

3) учинчи шахс, шу жумладан Фирма шундай тартиб-таомилга мувофиқ ўз зиммасига юклатилган бирор-бир вазифани бажармаса, агар тайинлаш тартиб-таомили тўғрисидаги келишувда тайинлашни таъминлашнинг бошқача усуллари назарда тутилмаган бўлса, исталган тараф суддан зарур чоралар кўрилишини сўраши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи ёки тўртинчи қисмларига мувофиқ суд томонидан чиқариладиган қарор устидан шикоят қилинмайди.

Арбитражни тайинлашда суд тарафларнинг келишувига мувофиқ арбитрага қўйиладиган ҳар қандай талабни ҳамда мустақил ва холис арбитражни тайинлашни таъминлаши мумкин бўлган фикрларни лозим даражада инобатга олади, якка тартибдаги арбитр ёки учинчи арбитр тайинланган тақдирда эса фуқаролиги тарафларнинг фуқаролигидан бошқа фуқароликка эга бўлган арбитражни тайинлаш мақбул эканлигини ҳам эътиборга олади.

6. Суд ва тарафлар халқаро арбитраж судларида рўйхатда турадиган бошқа давлат фуқаролигига эга бўлган арбитражни танлаш ҳуқуқига эга, бундай ҳолатда мазкур арбитражлар ҳақида маълумотларни тақдим этиш ва розилигини олиш таклиф қилган тараф зиммасига юклатилади.

7. Ҳакамлик судьялари тегишли Адлия бошқармасида ҳисобда туради, Халқаро арбитражлар эса арбитраж судининг интернет сайтида арбитражнинг тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда берган аризаси ва Ҳакамлик суди раиси бўйруғига асосан рўйхатга олинади.

### **7-модда. Ҳакамлик судьяларининг (арбитражларининг) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва функциялари**

1. Ҳакамлик судига кўриб чиқиш учун тақдим этилган низоларнинг ҳал қилиниши ушбу Регламентда кўрсатилган тартибда Фирма раҳбари томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатидан сайланган (тайинланган) ҳакамлик судьялари томонидан амалга оширилади.

2. Ҳакамлик судьясининг малакасига қўйиладиган талаблар ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келишиб олинishi мумкин.

3. Ҳакамлик судьялари ўз мажбуриятларини бажаришда мустақил ва холис бўлишлари ҳамда ҳеч бир ҳакамлик битими тарафининг вакили сифатида иштирок этишлари мумкин эмас. Ишнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган шахслар ҳакамлик судьяси (арбитр) бўла олмайдилар.

4. Ҳакамлик судьяси унинг холислиги ва мустақиллигига шубҳа туғдирувчи асосли ҳолатлар мавжудлиги ҳусусида Ҳакамлик судига хабар беришга мажбур ва шунга ўхшаш ҳолатлар агар ҳакамлик муҳокамаси тамом бўлгунга қадар юзага келган тақдирда дарҳол Ҳакамлик суди ва тарафларга хабар бериши шарт.

5. Низони ҳал қилиш учун сайланган (тайинланган) ҳакамлик судьялари ушбу Регламентда белгиланган вазифаларни бажаради, шу жумладан:

низонинг мазмунига дахл қилмайдиган масалалар юзасидан ажрим чиқаради;

низо ҳолатлари текширилганидан сўнг ҳал қилув қарори қабул қилади;

қўшимча ҳал қилув қарори, ҳал қилув қарорини тушунтириш ҳамда ёзувдаги ҳатоларни ва арифметик ҳатоларни тузатиш ҳақидаги ажримларни чиқаради;

ушбу Регламентга мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.



### **8-модда. Ҳакамлик судининг Раиси ва унинг ўринбосари**

1. Ҳакамлик судининг раиси ва унинг ўринбосари Фирма рахбари томонидан 1 йил муддатга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.
2. Ҳакамлик судининг раиси Ҳакамлик суди фаолиятини юритишини таъминлайди ва ушбу Регламентда назарда тутилган функцияларни бажаради, шу жумладан:  
Ҳакамлик суди томонидан ишларни кўриб чиқишни ташкил қилишни таъминлайди;  
низонинг мазмунига дахл қилмайдиган масалалар юзасидан ажрим чиқаради;  
ҳакамлик судьялари томонидан Ҳакамлик суди иш юритувида бўлган низолар бўйича қабул қилинган ажрим ва ҳал қилув қарорлари нусхаларини тасдиқлайди;  
Ҳакамлик судида ишларни сақлаш тартибини белгилайди;  
ушбу Регламентга мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.
3. Ҳакамлик суди раиси ўринбосари Ҳакамлик судининг раисининг йўқлигида ушбу модданинг иккинчи бандида назарда тутилган вазифа ва функцияларни бажаради. Ҳакамлик судининг раисининг йўқлиги – сабабидан қатъий назар, унинг иш жойида йўқлигини англатади.

### **9-модда. Ҳакамлик суди котибияти ёки котиби**

1. Котибият ёки масъул котиб Ҳакамлик судида иш юритишни ташкил этиш ва олиб бориш ҳамда ҳакамлик муҳокамасини ўтказишни ташкил этиш функцияларини бажаради, шу жумладан:  
фуқароларни қабул қилади ҳамда Ҳакамлик судига мурожаат қилиш ва низоларни Ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тушунтиради;  
юримдик ва жисмоний шахсларга Ҳакамлик суди номидан тайёрланган хатларни имзолайди ва юборади;  
Ҳакамлик суди мажлисига ҳужжатлар ва ишларни тайёрлайди;  
Ҳакамлик суди мажлислар залидан фойдаланиш вақтини тақсимлайди;  
Ҳакамлик судига мурожаатлар ва унда кўрилган ишлар ҳисобини юритади;  
ҳакамлик муҳокамаси тарафлари, ҳакамлик судьялари ва Ҳакамлик суди ўртасида маълумотлар, ҳужжатлар ва материаллар алмашинувини ташкил этади;  
иш юритишни олиб боради;  
Ҳакамлик судининг раиси, унинг ўринбосари ва ҳакамлик судьяларининг ҳакамлик муҳокамасини ташкил этиш, Ҳакамлик суди таркибининг мажлисларини тайёрлаш бўйича топшириқларини бажаради;  
ҳакамлик муҳокамаси баённомасини юритади;  
ушбу Регламентга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасини ташкил этиш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга оширади.
2. Котибият мудир ва аъзолари ёки масъул котиб Фирма рахбари томонидан 1 йил муддатга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

### **10-модда. Ҳакамлик суди ходимларининг касб этикаси ва жавобгарлиги**

1. Ҳакамлик судининг раиси, унинг ўринбосари, судьялар, суд котибияти ёки масъул котиб “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси”га риоя қилиши, ўз фаолиятини адолат ва ҳолислик принципларига асосланиб амалга ошириши лозим.
2. Ҳакамлик судининг раиси, унинг ўринбосари, судьялар, суд котибияти ёки масъул котиб томонидан “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси” қоидаларининг бузилганлиги, судья номига доғ туширадиган ҳолатлар аниқланган тақдирда уларга нисбатан фирма рахбари томонидан интизомий чоралар кўрилади ёки лавозимдан четлаштирилади.

### **11-модда. Ҳужжатларни ва бошқа материалларни юбориш**

1. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик судига тақдим этилган барча ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг нусхалари, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, Ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига топширилиши керак. Ҳакамлик суди ўз ҳал қилув қарорини учун асос қилиб



оладиган эксперт хулосалари Ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик муҳокамаси тарафларига топширилиши керак.

2. Хужжатлар ва бошқа материаллар, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, уларнинг ўзлари кўрсатган, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахснинг охириги маълум бўлган жойлашган ери (почта манзили) ёки жисмоний шахснинг охириги маълум бўлган яшаш жойи бўйича топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан ёхуд кўрсатилган хужжатлар ҳамда материаллар етказиб берилганлиги қайд этилишини назарда тутувчи бошқача усул (электрон почта, телеграм ва хоказо) орқали юборилади. Хужжатлар ва бошқа материаллар улар етказиб берилган кунда қабул қилиб олинган ҳисобланади.

3. Иш бўйича ҳакамлик муҳокамаси вақтида ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари ўз манзили ўзгарганлиги ҳақида Ҳакамлик судига хабар беришлари шарт.

4. Хужжатлар ва бошқа материаллар Ҳакамлик суди томонидан мазкур модданинг иккинчи қисмига мувофиқ аниқланган манзиллар бўйича етказиб берилган куни қабул қилинган ҳисобланади, шу жумладан кўрсатилган манзилда ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлмаса ёки яшаётган бўлса ва бундай ҳолат топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат алоқа бўлимининг белгиси билан қайтарилганлиги тасдиқланса. Шунингдек, хужжатлар ва бошқа материаллар тарафларнинг шахсан қўлларига уларни имзоларини олган ҳолда топширилиши мумкин, бундай ҳолатда хужжатлар ва бошқа материаллар тақдим этилган куни қабул қилинган ҳисобланади.

5. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ва низо кўриб чиқаётган Ҳакамлик суди таркиби ўртасидаги, шунингдек ваколатли суд билан барча ёзишмалар, материаллар тақдим қилиш ва хужжатлар алмашилиши Ҳакамлик суди котибияти орқали амалга оширилади.

### 3-боб. Ҳакамлик судига мурожаат қилиш тартиби

#### 12-модда. Даъво ни тақдим этиш

1. Ҳакамлик муҳокамаси Ҳакамлик судига даъво аризаси тақдим этиш билан бошланади.
2. Даъвогар ўз талабларини Ҳакамлик судига ёки Ҳакамлик судининг котибиятига ёзма шаклда бериладиган даъво аризасида баён этади.
3. Даъво аризаси ва унга илова қилинадиган хужжатлар, агар ҳакамлик битимида назарда тутилган бўлса, Ҳакамлик судига электрон хужжат тарзида юборилиши мумкин.
4. Даъво аризасини топшириш куни деб Ҳакамлик судига келиб тушган кун ҳисобланади.

#### 13-модда. Даъво аризаси

1. Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:  
Ҳакамлик судининг номи;  
даъво аризасининг санаси;  
ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахсларнинг номи ва жойлашган манзили (почта манзили ва электрон манзили), жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;  
даъвогарнинг талаблари, агар даъво бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблари;  
даъвогар ўз талабларини асослаётган ҳолатлар;  
даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;  
агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;  
ундирилаётган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;  
жавобгар билан низо судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги ва суднинг тартибидеги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;  
тарафлар ҳакамлик битимида ҳакамлик судьяларининг шахсий таркибини белгилаган бўлсалар, улар томонидан сайланган яққа тартибдаги ҳакамлик судьяси ёки ҳакамлик судьяларининг исми ва фамилияси ёхуд Ҳакамлик судининг раиси томонидан ҳакамлик судьясини (судьяларини) тайинлаш ҳақидаги илтимоснома, агар ҳакамлик битимида тарафлар Ҳакамлик судининг раисига тўғридан тўғри бундай ваколат берган бўлсалар;



даъво аризасига илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

2. Даъво аризасида даъвогарнинг ёки унинг вакилининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.
3. Даъво аризасида, агар низони тўғри хал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар, шунингдек даъвогардаги мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.
4. Даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни битта даъво аризасига бирлаштиришга ҳақли.

#### **14-модда. Даъво аризасига илова қилинган ҳужжатлар**

1. Даъво аризасига куйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади: ҳакамлик битами ёки Ҳакамлик судига низони хал қилиш учун тақдим этилиши ҳақидаги ҳакамлик шarti мавжуд бўлган шартнома тузилганлигини;

белгиланган тартибда ва миқдорда ҳакамлик йиғими тўланганлиги;

даъво аризани кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлиги, агар ҳакамлик битимида назарда тутилган бўлса жавобгар билан низони судгача хал қилиш тартибига риоя қилинганлиги, агар бу тоифадаги низолар қонун ёки шартномада назарда тутилган бўлса даъво талабларига асос булган ҳолатларни;

даъво аризасини имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса.

шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисидаги даъво аризасига шартнома лойихаси ҳам илова қилинади.

2. Агар ҳакамлик битимида ҳакамлик судьяларининг шахсий таркиби келишилмаган бўлса, даъво аризасига даъвогар томонидан сайланган ҳакамлик судьяси ҳақида хабарнома (Ҳакамлик суди ва жавобгар манзилига юбориш кўрсатилган) илова қилиниши керак.

3. Даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши керак. Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, даъво аризасига ишончнома ёки вакилнинг даъво аризасини имзолаш учун ваколатлари борлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

#### **15-модда. Даъво аризасини қабул қилиш ва ишни кўзғатиш**

1. Ҳакамлик судига даъво аризаси келиб тушгандан кейин Ҳакамлик судининг масъул котиби топширилган низони кўриб чиқишга Ҳакамлик судининг ваколоти бор-йўқлигини ва ушбу Регламентнинг 12-моддасида кўрсатилган даъво аризасига кўйиладиган талабларга риоя қилинганлиги ва ҳакамлик йиғими ҳисоби ва тўлови тўғрилигини текширади.

2. Мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган текшириш натижалари ҳақида Ҳакамлик судининг масъул котиби Ҳакамлик судининг Раисига хабар қилади.

3. Ҳакамлик судида даъво аризасини қабул қилиш масаласи Ҳакамлик судининг раиси томонидан хал қилинади. Даъво аризасининг қабул қилинганлиги ҳақида Ҳакамлик судининг раиси томонидан иш кўзғатилиши ҳақидаги ажрим чиқарилади.

4. Иш кўзғатилиши ҳақидаги ажримнинг нусхалари ҳакамлик битими тарафларига ушбу Регламент жойлаштирилган Ҳакамлик судининг веб-сайти кўрсатилган ҳолда юборилади. Жавобгарга ажрим нусхаси билан ҳакамлик судьяларнинг рўйхати, агар даъвогар томонидан олдин юборилмаган бўлса, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилади.

#### **16-модда. Даъвони ҳаракатсиз қолдириш**

1. Ҳакамлик судининг масъул котиби даъво аризаси ушбу Регламентнинг 12-моддасида кўрсатилган талаблар бузилиши билан тақдим этилганлиги, ҳакамлик йиғими ҳисоби ва тўлови тўғри эмаслигини аниқласа, даъвогарга аниқлаган камчиликларни бартараф этишни тақлиф қилади ва уларни бартараф қилиш муддатини белгилайди, бу муддат юқорида кўрсатилган тақлифни олгандан кейин етти кундан ошмаслиги керак. Юқорида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилишига қадар даъво ҳаракатсиз қолдирилади.

2. Агар даъвогар белгиланган муддатда аниқланган камчиликларни бартараф этса, даъво аризаси тақдим этилган сана Ҳакамлик судига биринчи марта у тақдим этилган кун



ҳисобланади. Акс ҳолда даъво аризаси Ҳакамлик судининг раиси ажрими билан даъвогарга қайтарилади.

#### **17-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ва жавобгар томонидан ҳакамлик судьясини сайлаш**

1. Ушбу Регламентнинг 14-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар нусхаларини олгандан кейин ўн беш кунли муддат ичида, агарда чет эл резиденти бўлса 30 кун ичида жавобгар Ҳакамлик судига даъвогар томонидан ҳакамлик судьяси номзодини таклиф қилган хабарномага жавоб бериши ва унда қуйидагиларни кўрсатиши лозим:

низо ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқиладиганда даъвогар таклиф қилган ҳакамлик судьясининг (арбитрнинг) номзодига розилиги ёки норозилиги (агарда жавобгар норози бўлса, жавобгар томонидан таклиф қилинаётган ҳакамлик судьясининг исми ва шарифи кўрсатилади),

низо Ҳакамлик судининг хайъат таркибида кўриб чиқиладиганда жавобгар томонидан таклиф қилинаётган ҳакамлик судьясининг ёки арбитражнинг исми ва шарифи.

2. Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини ўз эътирозларини баён этган ҳолда даъвогарга ва Ҳакамлик судига тақдим этишга ҳақли. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр Ҳакамлик судининг биринчи йиғилишигача даъвогарга ва Ҳакамлик судига тақдим этилади. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Жавобгарнинг вакили томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома ёки вакилнинг ёзма фикрни имзолаш учун ваколатлари борлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади.

3. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамаси жараёнида даъво талаблари ёки даъвога қарши эътирозларини ўзгартиришга ҳақли.

#### **18-модда. Қарши даъво**

1. Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, Ҳакамлик суди низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилгунигача қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақли.

2. Қарши даъво ва унга эътирозларни тақдим этиш ушбу Регламентнинг 12 ва 16-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

3. Қарши даъво қуйидаги ҳолларда дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиши мумкин: қарши даъво дастлабки даъвони ҳисобга олишга қаратилган бўлса;

қарши даъвонинг қаноатлантирилиши дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;

қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тезроқ ва тўғрироқ ҳал қилишга олиб келса.

### **4-боб. Ҳакамлик муҳокамаси**

#### **19-модда. Ҳакамлик битими**

1. Тарафлар ўртасида тузилган ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда, низо Ҳакамлик судининг ҳал қилувиغا топширилиши мумкин.

2. Ҳакамлик битими тарафларнинг низони Ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги келишувидир.

3. Ҳакамлик битими тарафлари ҳакамлик битими тузган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари бўлиши мумкин.

4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас.

5. Ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар Ҳакамлик судига кўриб чиқиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек Ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозим.

6. Ҳакамлик битими ёзма шаклда тузилади. Ҳакамлик битими шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шартлари ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкин.



7. Ҳакамлик битими, агар у ҳакамлик битими тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда фойдаланган бўлса ёки бундай битимни қайд этишни таъминловчи электрон ёхуд бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда хатлар ёки хабарлар алмашиш йўли билан тузилган бўлса, ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

8. Мазкур модданинг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

9. Низони ҳал қилиш учун Ҳакамлик судига топшириш ҳақидаги битим даъвогар томонидан даъво тақдим қилиш билан ҳам амалга оширилиши мумкин, жавобгар тарафидан эса Ҳакамлик суди юрисдикциясига бўйсунуш ҳақидаги сўровга ижобий жавоб бериш билан, бу муайян низони мазкур модданинг олтинчи қисмига мувофиқ ҳал қилиш учун ҳакамлик битими тузишни назарда тутати.

10. Ҳакамлик битимини тузган тарафлар, битимдан бир томонлама бош тортишга ҳақли эмаслар.

11. Ваколатли суднинг ҳал қилувида бўлган низога оид ҳакамлик битими ваколатли суд низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунигача қадар тузилиши мумкин.

12. Тарафларнинг шартномавий хусусиятга эгалигидан ёки эга эмаслигидан қатъи назар, бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга топшириш тўғрисидаги келишуви арбитраж келишуви ҳисобланади. Арбитраж келишуви шартноманинг арбитраж шарти ёки алоҳида келишув тарзида тузилиши мумкин.

Арбитраж келишуви ёзма шаклда тузилади.

Агар арбитраж келишувининг мазмуни арбитраж келишуви ёки шартнома оғзаки шаклда тузилганлигидан ёки тузилмаганлигидан қатъи назар, тарафларнинг ҳаракати асосида ёхуд бошқа воситалар ёрдамида бирор-бир шаклда қайд этилган бўлса, ушбу келишув ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Арбитраж келишувини ёзма шаклда тузиш тўғрисидаги талаб электрон хабар орқали, агар ундаги ахборот келгусида ундан фойдаланиш учун очиқ бўлса, қаноатлантирилади.

Электрон хабар тарафлар маълумотларни юбориш орқали узатадиган ҳар қандай хабарни англатса; маълумотлардан хабардор қилиш электрон, магнит, оптик ёки худди шундай воситалар, шу жумладан электрон маълумотлар алмашиш, электрон почта, телеграмма, телекс ва телефакс ёрдамида, бироқ улар билан чекланмаган ҳолда тайёрланган, юборилган, қабул қилиб олинган ёки сақланаётган ахборотни англатади.

Бундан ташқари, арбитраж келишуви даъво аризасини алмашиш ва даъвога доир фикр билдириш орқали тузилиб, уларда тарафлардан бири келишув мавжудлигини тасдиқлаётган, бошқаси эса бунга қарши эътироз билдирмаётган бўлса, ушбу келишув ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Шартномадаги арбитраж шартини ўз ичига олган бирор-бир ҳужжатга ҳавола, башарти ушбу ҳавола айтиб ўтилган шартни шартноманинг бир қисмига айлантирса, арбитраж келишуви ҳисобланади.

13. Арбитраж келишувининг предмети бўлган масала юзасидан ўзига даъво тақдим этилган суд, агар тарафлардан исталган бири низонинг мазмуни бўйича ўзининг биринчи аризасини тақдим этишидан олдин бу ҳақда сўраган бўлса, агар мазкур келишувнинг ҳақиқий эмаслигини, ўз кучини йўқотганлигини ёки бажарилиши мумкин эмаслигини аниқламаган бўлса, тарафларни арбитражга юбориши керак.

Ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган даъво тақдим этилган тақдирда, масала суднинг кўриб чиқишида турган бўлишига қарамай, арбитраж муҳокамаси бошланиши ёки давом эттирилиши ҳамда арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилиниши мумкин.

## 20-модда. Ҳакамлик судининг ваколоти

1. Ҳакамлик суди ўз ҳал қилувида топширилган низони, шу жумладан ҳакамлик битими йўқлиги ёки ҳақиқий эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тарафлардан бири ҳакамлик муҳокамасига қарши эътироз билдирган ҳолларда низони кўриб чиқишда ваколатли бўлиши ёхуд йўқлиги ҳақидаги масалани мустақил равишда ҳал этади. Шу мақсадда шартнома шарти тарзида расмийлаштирилган ҳакамлик битими шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ



бўлмаган битим сифатида кўриб чиқилиши керак. Ҳакамлик судининг шартни қамраб олган шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ушбу шартнинг қонунга биноан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди.

2. Низони мазмунан кўриб чиқиш бўйича ҳакамлик муҳокамаси бошлангунга қадар ҳакамлик муҳокамаси тарафи Ҳакамлик судининг ҳал қилувиغا топширилган низони кўриб чиқишга ваколати йўқлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

3. Агар кўриб чиқилиши ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёхуд қонунга ёки Ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси предмети бўла олмайдиган масала ҳакамлик муҳокамаси давомида ҳакамлик муҳокамаси предметига айланса, ҳакамлик муҳокамаси тарафи Ҳакамлик суди ўз ваколатидан четга чиққанлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

4. Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафининг мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ берилган аризасини кўриб чиқиши шарт. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

5. Агар Ҳакамлик суди ўз ваколати ҳақидаги масалани кўриб чиқаётганда низони кўриб чиқишга Ҳакамлик судида ваколат йўқлиги тўғрисида ажрим чиқарса, Ҳакамлик суди низони мазмунан кўриб чиқиши мумкин эмас.

6. Ҳакамлик суди маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

7. Ҳакамлик судининг муайян ишни кўриб чиқишга ваколати мавжудлиги ҳақидаги масала низо кўриб чиқаётган Ҳакамлик суди таркиби томонидан узил-кесил ҳал қилинади.

#### **21-модда. Ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини белгилаш**

1. Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамасини ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширади, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамасининг бошқа қоидалари қўлланилиши тўғрисида шартлашмаган бўлсалар.

2. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилган ҳакамлик муҳокамаси қоидалари Қонунга мувофиқ бўлиши керак. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилган ҳакамлик муҳокамаси қоидалари Қонунга зид бўлган ҳолда, Ҳакамлик суди ушбу Регламентда кўрсатилган ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини тегишли қисмини қўллайди.

3. Ҳакамлик муҳокамасининг ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилмаган, ушбу Регламент ва Қонун билан белгиланмаган қисмида ҳакамлик муҳокамаси қоидалари низони кўриб чиқаётган Ҳакамлик суди таркиби томонидан белгиланади.

#### **22-модда. Ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой**

1. Ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой Самарқанд шаҳар, М.Улуғбек кўчаси 76 А-уйда жойлашган Ҳакамлик судининг биноси ёки ижара ёхуд бошқа ҳуқуқ ёйинки хизмат кўрсатиш шартномаси асосида тегишли бўлган ҳар қандай бино ёки заллар ҳисобланади.

2. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг хоҳишига кўра Ҳакамлик суди таркибининг мажлиси Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ҳудудининг бошқа жойида ўтказиши мумкин. Бундай ҳолда, ҳакамлик муҳокамасининг Ҳакамлик суди биносидан ташқарида ўтказилиши муносабати билан юзага келган барча қўшимча харажатлар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари зиммасига юкланади.

3. Тарафлар арбитраж жойи тўғрисида ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин. Бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда, арбитраж жойи арбитраж суди томонидан иш ҳолатларини, шу жумладан тарафлар учун қулайлик омилини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Ушбу банд биринчи қисмининг қоидаларига қарамай, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж суди ўз аъзолари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш, гувоҳларни, экспертларни ёки тарафларни эшитиш ёхуд товарларни, бошқа мол-мулкни ёки хужжатларни кўздан кечириш учун лозим деб топган ҳар қандай жойда амалга ошириши мумкин.

Тарафларга қулайлик яратиш мақсадида Ҳакамлик муҳокамаси видеоконференция алоқа режимида ўтказилиши мумкин. Видеоконференция алоқа режимида қатнашган тарафнинг



Ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жойдан бошқа жойда қатнашиши юқоридаги қоидаларнинг бузилишига олиб келмайди.

### 23-модда. Ҳакамлик муҳокамасининг тили

1. Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси давлат тилида олиб борилади. Тарафлардан бири хорижий юридик ёки жисмоний шахс бўлган тақдирда рус тилида ёки инглиз тилида ёхуд ҳакамлик судьялари (арбитрлар) билладиган тарафлар танлаган бошқа тилда олиб борилади.

2. Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан ҳужжатлар ва бошқа материаллар ҳакамлик муҳокамаси тилига таржима қилинишини талаб этиши мумкин.

3. Ҳакамлик муҳокамаси тилида бўлмаган ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим қилаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи уларнинг таржима қилинишини таъминлаши керак.

4. Агар ҳакамлик муҳокамасининг тарафи иш кўриб чиқиладиган тилни билмаса, Ҳакамлик суди ишни оғзаки эшитиш вақтида ҳакамлик муҳокамасининг тарафи ҳисобига ва илтимосига биноан уни таржимон хизмати билан таъминлаши мумкин.

### 24-модда. Низони Ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар

1. Низони Ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар куйидагиларни ўз ичига олади:

ҳакамлик судьялари(арбитрлар)нинг гонорари;

ҳакамлик муҳокамасини ташкилий, моддий жиҳатдан ва бошқача тарзда таъминлаш харажатлари;

ҳакамлик судьялари(арбитрлари)нинг ҳакамлик муҳокамасида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлари, шу жумладан низони кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун тўланадиган йўл ҳақи харажатлари;

ҳакамлик судьялари(арбитрлар)нинг ёзма ва ашёвий далилларни мазкур далиллар турган жойда кўздан кечириш ҳамда текшириш билан боғлиқ харажатлари;

экспертлар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

гувоҳлар томонидан сарфланган харажатлар;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлардан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф вакилининг хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари;

ҳакамлик суди томонидан белгиланадиган бошқа харажатлар.

2. Мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни белгилаш, тўлаш ва тақсимлаш ушбу Регламентда ва Ҳакамлик судида йиғимлар, харажатлар ва тарафларнинг чиқимлари тўғрисидаги Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳакамлик (арбитраж) йиғими, почта ва бошқа харажатлар учун тўлов тарзида амалга оширилади.

3. Ҳакамлик йиғими Ҳакамлик судида йиғимлар, харажатлар ва тарафларнинг чиқимлари тўғрисидаги Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланадиган даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб, белгиланган ставкаларда ундирилади.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка ва зарарлар суммалари ҳам киритилади.

5. Ҳакамлик судининг харажатлари, ҳакамлик йиғими миқдори, тўлаш тартиби ва муддатлари Ҳакамлик судининг раиси ёки ўринбосарининг ажрими (қарори) билан белгиланади.

6. Ҳакамлик йиғими ва Ҳакамлик судининг қўшимча харажатлари ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасида, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари келишувига мувофиқ, бундай келишув бўлмаган тақдирда қаноатлантирилган ёки рад этилган талабларга мутаносиб равишда тақсимланади.

### 25-модда. Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш

1. Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш ҳакамлик судьяларини (ҳакамлик судьясини) ёки арбитр (арбитрларни) сайлаш (тайинлаш) орқали амалга оширилади.

2. Ҳакамлик битими тарафлари мазкур модданинг қоидаларига риоя этган ҳолда ҳакамлик судьяларининг (арбитрларининг) сонини ўз хоҳишларига кўра белгиланган Ҳакамлик суди



таркибини шакллантириш тартибини келишиб олишлари мумкин. Агар ҳакамлик битими тарафлари ҳакамлик судьяларининг (арбитрларининг) сонини белгиламаса, Ҳакамлик судининг таркиби уч нафар ҳакамлик судьясидан (арбитрдан) шакллантирилади.

2. Ушбу Регламент 12-моддасининг биринчи қисми ўн биринчи хатбошиси, 13-моддасининг иккинчи қисми, 16-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Ҳакамлик суди тарафлар томонидан сайланган ҳакамлик судьяларининг (арбитрларнинг) номзоди ҳақидаги маълумотни олгандан кейин, Ҳакамлик судининг масъул котиби тарафлар томонидан сайланган ҳакамлик судьяларига (арбитрларига) улар томонидан низони ҳал қилиш учун розилигини олиш мақсадида дарҳол хабар беради.

3. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан сайланган ҳакамлик судьялари (арбитрлари) ҳакамлик судьяси мажбуриятларини амалга ошириш учун ўз розилигини ёзма шаклдаги ҳужжатни имзолаш орқали беради ва мазкур ҳужжатда ҳакамлик судьяси унинг мустақил ва ҳолис бўлишига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ва уни рад қилиниши учун асос бўлувчи барча ҳолатлар ҳақида маълумот беради.

4. Ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари мазкур Фирма раҳбари томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган судьялар орасидан сайланади (тайинланади). Ҳалқаро низоларни кўришда Фирма раҳбари томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатида бўлмаган, бироқ бошқа ҳалқаро арбитраж судларида рўйхатда турадиган бошқа давлат фуқаролигига эга бўлган арбитражларни орасидан сайланиши (тайинланиши) мумкин.

5. Ҳакамлик муҳокамаси Ҳакамлик судининг ҳайъат таркиби томонидан ўтказилаётганда ҳакамлик битимининг ҳар бир тарафи ҳакамлик судьяларини (арбитрларини) тенг миқдорда сайлайди ва шундай тарзда сайланган ҳакамлик судьялари (арбитрлари) бошқа ҳакамлик судьясини (арбитрини) - раислик қилувчини тайинлайди.

6. Агар ҳакамлик битими тарафи ҳакамлик битими бошқа тарафининг ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) ёки арбитражларни (арбитрларини) сайлаш ҳақидаги илтимосини олган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида (ҳалқаро низо бўйича 30 кун ичида) ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини, арбитражларни, арбитражларини) сайламаса ёки ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик судьясини (арбитрни) танлаш тўғрисида келиша олмасалар (низо ҳакамлик судьяси (арбитр) томонидан якка тартибда кўриб чиқиладиганда) ёхуд агар ҳакамлик судьялари (арбитрлари) раислик қилувчи ҳакамлик судьясини (арбитрини) тайинлаш тўғрисида ўзлари сайланган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида (ҳалқаро низолар бўйича 30 кун ичида) келиша олмасалар, уларни тайинлаш Ҳакамлик судининг раиси томонидан ҳакамлик битими тарафларидан бирининг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан ўн кун муддатда амалга оширилади.

7. Ҳакамлик судининг раиси низони кўриб чиқиш учун шакллантирилган Ҳакамлик суди таркиби ҳақида ажрим чиқаради ва унда иш ҳакамлик муҳокамасига тайинланади ҳамда ҳакамлик муҳокамасининг вақти ва жойи белгиланади.

## **26-модда. Ҳакамлик судьясини (арбитрни) рад қилиш**

1. Ҳакамлик судьяси томонидан низони кўриб чиқиш учун ушбу Регламент 20-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган розилигини олгандан кейин ушбу Регламентнинг 6-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган ҳолларда, ҳар бир тараф низони якка тартибда кўриб чиқаётган ҳакамлик судьяси, раислик қилувчи ҳакамлик судьяси, ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин. Ҳакамлик муҳокамаси тарафи сайланган (тайинланган) ёки сайланишида иштирок этган ҳакамлик судьясининг рад қилиниши учун асос бўлувчи ҳолатлар рад қилинаётган ҳакамлик судьяси сайланганидан (тайинланганидан) кейин ўзига маълум бўлиб қолган тақдирдагина уни рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

2. Ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги ёзма асосланган ариза ҳакамлик муҳокамасининг тарафи томонидан Ҳакамлик суди таркибининг биринчи йиғилишигача тақдим этилиши керак. Ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги ариза Ҳакамлик судининг биринчи йиғилишидан кейин тақдим этилган ҳолда фақат Ҳакамлик суд таркиби томонидан аризанинг кечиктирилиш сабаблари узрли деб топилса, у кўриб чиқиши мумкин.



3. Агар ҳакамлик судьясининг рад қилиниши учун асос бўлувчи ҳолатлар ҳакамлик муҳокамаси вақтида юзага келган бўлса, ҳакамлик судьяси бу ҳақда дарҳол ҳакамлик муҳокамаси тарафларига маълум қилиши ва ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза бериши керак.

4. Рад қилиниши талаб этилаётган ҳакамлик судьяси рад қилиш ҳақидаги масала кўриб чиқилгунига қадар ўз тушунтиришларини беришга ҳақли.

5. Агар рад қилиниши талаб этилаётган ҳакамлик судьяси ўзини ўзи рад қилмаса ёки ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафи ҳакамлик судьясини рад қилишга рози бўлмаса, ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги масала Ҳакамлик суди таркибига кирувчи бошқа ҳакамлик судьялари томонидан ҳал этилади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, ҳакамлик судьяси рад қилинган ҳисобланади. Ҳакамлик судининг бутун таркибини рад қилиш ҳақидаги масалалар шу Ҳакамлик суди таркиби томонидан оддий кўпчилик овоз билан, низони яққа тартибда кўрадиган ҳакамлик судьясини рад қилиш тўғрисидаги масалалар эса шу ҳакамлик судьясининг ўзи томонидан ҳал этилади.

6. Бирор-бир шахсга унинг арбитр сифатида тайинланиши мумкинлиги муносабати билан мурожаат қилинган тақдирда, ушбу шахс ўзининг ҳолислиги ёки мустақиллиги борасида асосли шубҳалар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисида маълум қилиши керак. Арбитр ўзи тайинланган пайтдан эътиборан ва бутун арбитраж муҳокамаси давомида тарафларга ҳар қандай шундай ҳолатлар тўғрисида, агар у тарафларни бундай ҳолатлар тўғрисида илгари хабардор қилмаган бўлса, дарҳол маълум қилиши керак.

Арбитр фақат унинг ҳолислиги ёки мустақиллиги борасида асосли шубҳалар келтириб чиқарувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ёки у тарафлар келишувиде белгиланган талабларга мос келмаган тақдирда рад этилиши мумкин. Тараф ўзи тайинлаган ёки тайинланишида ўзи иштирок этган арбитрни рад этиш ҳақида фақат у тайинланганидан кейин ўзига маълум бўлиб қолган сабаблар бўйича арз қилиши мумкин.

7. Тарафлар, башарти ушбу банд учинчи қисмининг қоидаларига риоя этилса, арбитрни рад этиш тартиб-таомили тўғрисида ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин.

Бундай келишув мавжуд бўлмаганда, арбитрни рад этмоқчи бўлган тараф арбитраж суди таркиби шакллантирилиши ҳақида ёки ушбу Регламент 26 моддаси 6 бандининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳар қандай ҳолат тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолганидан кейин ўн беш кун ичида ёзма аризада арбитраж судига рад этиш сабабларини хабар қилади. Агар рад этилиши талаб қилинаётган арбитр тайинланишдан ўзи воз кечмаса ёки бошқа тараф рад этишга рози бўлмаса, рад этиш тўғрисидаги масала арбитраж суди томонидан ҳал этилади.

Агар тарафлар томонидан келишилган ҳар қандай тартиб-таомил ёки ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартиб-таомил қўлланилганда рад этиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилмаса, рад этиш ҳақида ариза берган тараф рад этиш тўғрисидаги қарор хусусида билдиришнома олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида судга рад этишни қаноатлантириш ҳақида ариза бериши мумкин. Суднинг мазкур аризага тааллуқли қарори устидан шикоят қилинмайди.

Бундай ариза ҳал қилиниши кутилаётган вақтда арбитраж суди, шу жумладан ўзига нисбатан рад этилиши ҳақида ариза берилган арбитр арбитраж муҳокамасини давом эттириши ва арбитраж ҳал қилув қарорини қабул қилиши мумкин.

8. Рад қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича низони кўриб чиқаётган Ҳакамлик суди таркиби томонидан ажрим чиқарилади.

9. Ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги ариза шу аризачи томонидан ва бундан олдин кўрсатилган асослар бўйича қайта тақдим этилиши мумкин эмас.

## **27-модда. Ҳакамлик судьясининг ваколатларини тугатиш**

1. Ҳакамлик судьясининг ваколатлари ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг келишувига биноан, ҳакамлик судьясининг ўзини ўзи рад қилиши ёки рад қилиниши муносабати билан, шунингдек ҳакамлик судьяси вафот этган тақдирда тугатилиши мумкин.

Арбитр юридик жиҳатдан ёки амалда ўз вазифаларини бажара олмай қолса, ёхуд бошқа сабабларга кўра асоссиз кечикиш туфайли уларни амалга оширишга киришмасам арбитр тайинланишни рад этса ёки тарафлар бундай тугатиш борасида келишиб олмаган тақдирда ваколатлари тугатилади.



Ушбу асосларнинг бирор-бири борасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, исталган тараф ваколатларнинг амал қилиши тугатилиши борасида қарор чиқариш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Суднинг бундай қарори устидан шикоят қилинмайди.

Ушбу моддага ёки ушбу Регламент 26 моддаси 7 бандининг иккинчи қисмига мувофиқ арбитр тайинланишни ўзи рад этса ёки унинг ваколатлари тугатилишига тараф розилик берса, ушбу бандда ёки ушбу Регламент 26 моддаси 6 бандининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳар қандай асослардан бирининг тан олинишини аниқлатмайди.

2. Ҳакамлик судьясининг ваколатлари муайян низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин тугатилади.

Қуйидаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилган ҳолларда:

қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинганда;

ҳал қилув қарорига тушунтириш берилганда;

ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатолар тuzатилганда ҳакамлик судьясининг ваколатлари тикланади ва назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг тугатилади.

3. Арбитрнинг ваколатлари ушбу Регламентнинг 26 ёки 27-моддалари асосида бекор қилинса ёхуд арбитр ҳар қандай бошқа сабабга кўра тайинланишни ўзи рад этса ёхуд унинг ваколатлари тарафларнинг келишуви бўйича бекор қилинса, шунингдек арбитр ваколатлари тугатилган ҳар қандай бошқа ҳолатда, янги арбитр алмаштирилаётган арбитрни тайинлашга қўлланиладиган қоидаларга мувофиқ тайинланади.

Ҳакамлик судьясининг ваколатлари тугатилган тақдирда, бошқа ҳакамлик судьяси алмаштирилаётган ҳакамлик судьяси сайланаётганда (тайинланаётганда) қўлланилган қоидаларга мувофиқ сайланади (тайинланади).

#### **28-модда. Даъвони таъминлаш чораларини кўриш**

1. Агар даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ижросини қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

2. Ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш ҳақидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафи томонидан Ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёнгики жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги ваколатли судга берилади.

3. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг Ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар илова қилинади.

4. Ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани ваколатли суд томонидан кўриб чиқиш ҳамда даъвони таъминлаш ёхуд уни таъминлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари ваколатли суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади.

6. Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, бирор-бир тарафнинг илтимосига кўра арбитраж суди даъвони таъминлаш чораларини белгилаши мумкин.

Таъминлаш чораси, у арбитраж ҳал қилув қарори шаклида ёки бирор-бир бошқа шаклда белгиланганлигидан қатъи назар, ҳар қандай вақтинчалик чорадан иборат бўлиб, унинг ёрдамида низо уни узил-кесил ҳал қиладиган қарор қабул қилинишидан олдинги ҳар қандай пайтда арбитраж суди у ёки бу тарафнинг:

1) низо ҳал этилаётганда мавжуд бўлган ҳолатни ёки низо ҳал этилишига қадар мавжуд бўлган ҳолатни сақлаб туриши ёки тиклаши;

2) ҳозирги ёки муқаррар зарарнинг ёки арбитражнинг ўзига етадиган зарарнинг олдини олиш мақсадида чоралар кўриши ёки бундай зарар етказиши мумкин бўлган чораларни кўришдан тийилиши;



3) активларни сақлаш учун маблағларни арбитражнинг кейинчалик қабул қилинадиган ҳал қилув қарори бу маблағлар ҳисобидан ижро этилиши мумкин бўлиши учун бериши;

4) ишга тааллуқли бўлиши ва нисбани ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган далилларни сақлаши тўғрисида фармойиш беради.

7. Ушбу модда 6 банди иккинчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандларига мувофиқ даъвони таъминлаш чорасини сўраётган тараф арбитраж судини:

1) агар бундай чора белгиланмаса, зарарларни ундириш орқали ҳам тегишли равишда бартараф этиб бўлмайдиган зарар етказилиши мумкинлигига ва, агар шундай чора белгиланса, бундай зарар ўзига нисбатан чора белгиланаётган тарафга етказилиши мумкин бўлган зарардан сезиларли даражада ортиқ бўлишига; ва

2) сўраётган тараф талабнинг мазмуни борасида муваффақиятга эришишининг оқилона имконияти мавжудлигига ишонтириши керак. Бундай имкониятга нисбатан ҳар қандай ажрим кейинги ҳар қандай ажримларни чиқаришда арбитраж судининг ихтиёри эркин бўлишига даҳл қилмайди.

8. Ушбу модда 6 банди иккинчи қисмининг 4-бандига мувофиқ таъминлаш чораларини белгилаш тўғрисидаги илтимосга нисбатан ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган талаблар фақат арбитраж суди буни ўринли деб ҳисоблаган даражада қўлланилади.

9. Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, тараф даъвони таъминлаш чорасини белгилаш тўғрисидаги илтимосни сўралаётган даъвони таъминлаш чорасининг мақсадларига зарар етказмаслик мажбуриятини бирор-бир тарафнинг зиммасига юклатувчи дастлабки қарорни чиқариш ҳақидаги ариза билан бирга, ҳар қандай бошқа тарафни хабардор қилмаган ҳолда тақдим этиши мумкин.

Агар арбитраж суди даъвони таъминлаш чорасини белгилаш тўғрисидаги илтимос бўйича ахборотни ушбу чора қайси тарафга нисбатан белгиланаётган бўлса, ўша тарафга олдиндан ошқор этиш бундай чоранинг мақсадларига зарар етказиши мумкин деб ҳисобласа, дастлабки қарорни чиқариши мумкин.

Ушбу модданинг 7 бандига мувофиқ белгиланган шартлар, башарти ушбу модданинг 7 банди биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ баҳоланиши керак бўлган зарар қарор чиқарилиши ёки чиқарилмаслиги натижасида етказилиши мумкин бўлган зарардан иборат бўлса, ҳар қандай дастлабки қарорга нисбатан қўлланилади.

10. Арбитраж суди дастлабки қарорни чиқариш тўғрисидаги аризага нисбатан ажрим чиқарганидан сўнг арбитраж суди барча тарафларни даъвони таъминлаш чораларини белгилаш ҳақидаги илтимос, дастлабки қарорни чиқариш тўғрисидаги ариза, агар қабул қилинган бўлса, дастлабки қарор ва бошқа барча хабарлар алмашинувлари ҳақида дарҳол хабардор қилади, шу жумладан исталган тараф ва арбитраж суди ўртасидаги юқорида санаб ўтилганларга тааллуқли бўлган ҳар қандай оғзаки хабарларнинг мазмунини кўрсатиш йўли билан хабардор қилади.

Бир вақтнинг ўзида арбитраж суди ўзига нисбатан дастлабки қарор чиқарилаётган исталган тарафга ўз фикрини имкон қадар қисқа муддатларда баён қилиш имконини беради.

Арбитраж суди дастлабки қарор чиқарилишига қарши ҳар қандай эътироз бўйича дарҳол ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Дастлабки қарорнинг амал қилиш муддати у арбитраж суди томонидан чиқарилган санадан бошлаб йигирма кун ўтгач тугайди. Айни вақтда арбитраж суди дастлабки қарорнинг қўлланилишини ёки ўзгартирилишини таъминловчи чорани ўзига нисбатан дастлабки қарор қабул қилинаётган тарафни хабардор қилганидан ва унга ўз нуқтаи назарини баён этиш имкониятини берганидан сўнг белгилаши мумкин.

Дастлабки қарор тарафлар учун мажбурий кучга эга, бироқ у суд тартибидан ижро этилмайди. Бундай дастлабки қарор арбитражнинг ҳал қилув қарори ҳисобланмайди.

11. Арбитраж суди ўзи белгилаган таъминлаш чорасини ёки ўзи чиқарган дастлабки қарорни исталган тарафнинг аризасига биноан ёки алоҳида ҳолатларда ва тарафларни олдиндан хабардор қилганидан сўнг арбитраж судининг ўз ташаббусида қўра ўзгартириши, тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши мумкин.



12. Арбитраж суди таъминлаш чорасини сўраётган тарафдан ушбу чора муносабати билан лозим бўлган таъминот такдим этилишини талаб қилиши мумкин.

Арбитраж суди дастлабки қарорни чиқариш тўғрисида илтимос қилаётган тарафдан ушбу қарор муносабати билан таъминот такдим этилишини талаб қилишга, агар арбитраж суди буни ўринли ёки зарур деб ҳисобласа, ҳақли бўлади.

### **29-модда. Ишни ҳакамлик муҳокамасига тайёрлаш**

1. Ҳакамлик судининг масъул котиби Ҳакамлик судининг таркиби шакллантирилгандан сўнг Ҳакамлик суди таркибига даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини топширади.

2. Ҳакамлик суди таркибига раислик қилувчи ёки яқка тартибдаги ҳакамлик судьяси (арбитр) ишни муҳокамага тайёрлаш ҳолатини кузатиб туради ва агар зарур деб топса, ишни тайёрлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш ҳақида ажрим чиқаради ҳамда унда тарафлардан ёзма тушунтириш, далил ҳамда бошқа ҳужжат ва материалларни талаб қилиши, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг истимосномасига кўра экспертиза тайинлаши мумкин. Ажримнинг нусхаси ҳакамлик муҳокамаси тарафларига юборилади.

3. Тарафларнинг ҳар қандай бошқа келишувига риоя этган ҳолда арбитраж суди далилларни такдим этиш учун оғзаки эшитув ёки оғзаки музокаралар ўтказиш ҳақида ёхуд муҳокамани фақат ҳужжатлар ва бошқа материаллар асосида амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилади. Бироқ, агар тарафлар оғзаки эшитувни ўтказмаслик тўғрисида келишиб олмаган бўлса, арбитраж суди исталган тарафнинг илтимосига кўра, бундай оғзаки эшитувни муҳокаманинг тегишли босқичида ўтказиши керак.

Товарларни, бошқа мол-мулкни ёки ҳужжатларни кўздан кечириш мақсадида ўтказиладиган арбитраж судининг ҳар қандай эшитуви ва мажлиси тўғрисидаги билдиришнома тарафларга олдиндан юборилган бўлиши керак.

Тарафларнинг бири томонидан арбитраж судига такдим этиладиган барча аризалар, ҳужжатлар ёки бошқа ахборот ўзга тарафнинг эътиборига етказилиши керак. Экспертларнинг ҳар қандай хулосалари ёки арбитраж суди ўз қарорини қабул қилишда асосланиши мумкин бўлган далиллар ҳисобланувчи бошқа ҳужжатлар ҳам тарафларга топширилиши керак.

### **30-модда. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг Ҳакамлик суди мажлисида иштирок этиши**

1. Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафига ўз нуқтаи назарини баён этиши ҳамда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун тенг имкониятлар берилиши керак.

2. Ҳакамлик муҳокамаси, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3. Ҳакамлик суди тарафларнинг низони оғзаки кўриб чиқмаслиги ҳақидаги келишуви бўлган тақдирда ҳам ишни оғзаки муҳокамасини тайинлаши мумкин, агар такдим этилган ёзма материаллар низони ҳал қилиш учун етарли бўлмаса.

4. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларига Ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақидаги ажрим олдиндан юборилиши ёки топширилиши керак.

5. Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, Ҳакамлик суди низони ёпиқ мажлисда кўриб чиқади.

6. Ҳакамлик судида тарафлар ўз ишларини бевосита ёки лозим даражада ваколат берилган вакили орқали олиб бориши мумкин. Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ишнинг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома киритиши мумкин.

7. Ҳакамлик судининг мажлисида такдим этилган ёзма ва бошқа далиллар текширилади, шунингдек Ҳакамлик судининг мажлисида иштирок этаётган шахсларнинг таниланиши мумкин.

8. Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафи илтимосига кўра зарур деб топса, Ҳакамлик суди мажлисига гувоҳларни чақириш ва экспертиза тайинлаш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.



9. Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар қандай босқичида Ҳакамлик судининг таркиби тарафларга қўшимча далилларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

10. Ҳакамлик муҳокамаси исталган тарафнинг илтимосига биноан тарафларнинг шахсини аниқлаш имконини берадиган дастурлар ёрдамида видеоконференция алоқа режимида ўтказилиши мумкин, бунда видеоконференция режимида ўтказилган суд мажлиси ваколатли ҳисобланади. Ишни видеоконференция алоқаси ёрдамида кўриш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади.

### **31-модда. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим этмаганлиги ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг келмаганлиги оқибатлари**

1. Ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим этмаганлик ёки Ҳакамлик суди мажлисининг вақти ҳамда жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёхуд улар вакилларининг Ҳакамлик суди мажлисига келмаганлиги ёки видеоконференция алоқасига чиқмаганлиги, агар ҳужжатлар ва бошқа материаллар тақдим этилмаганлигининг ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёхуд улар вакилларининг Ҳакамлик суди мажлисига келмаганлиги, видеоконференция алоқасига чиқмаганлиги сабаби Ҳакамлик суди томонидан узрсиз деб топилса, ҳакамлик муҳокамасига ва Ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинишига монелик қилмайди.

2. Жавобгарнинг даъвога қарши эътирозлар тақдим этмаганлиги даъвогар талабларининг тан олинishi сифатида қаралмаслиги керак.

3. Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, узрли сабаб кўрсатилмаган ҳолда:

1) даъвогар ўзининг даъво талабини асословчи ҳолатлар ҳақида, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ва ўз даъво талабларининг мазмуни тўғрисида ўзининг даъво аризасини тақдим этмаган тақдирда, арбитраж суди муҳокамани тугатади;

2) жавобгар даъво бўйича ўз эътирозларини тақдим этмаган тақдирда, арбитраж суди эътирозлар тақдим этилмаганлиги фактига даъвогар фикрларининг тан олинishi сифатида қарамай, муҳокамани давом эттиради;

3) исталган тараф эшитувга келмаганда ёки ҳужжатли далилларни тақдим этмаганда, арбитраж суди муҳокамани давом эттириши ва ўзида мавжуд бўлган далиллар асосида ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин.

4. Ҳакамлик суди низони имкон қадар қисқа муддатларда кўриш чораларини кўради.

### **32-модда. Далиллар**

1. Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафи ўз даъво талаблари ва даъвога қарши эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Ҳакамлик суди, агар у тақдим этилган далилларни етарли эмас деб топса, ҳакамлик муҳокамаси тарафларига қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақли.

2. Ҳакамлик суди ишда мавжуд бўлган далилларни ҳар томонлама, тўлиқ, холис ва бевосита ўрганиш асосида ўзининг ички ишончи бўйича баҳолайди.

3. Далилларни текшириш Ҳакамлик суди таркиби томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Арбитраж суди ёки тараф арбитраж судининг розилиги билан далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд бундай аризани ўз ваколати доирасида ва Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ қаноатлантириши мумкин.

### **33-модда. Экспертизани тайинлаш ва ўтказиш**

1. Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлсалар, Ҳакамлик суди ишни кўриш вақтида юзага келадиган, фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун ҳакамлик муҳокамаси тарафлари илтимосномасига кўра ёки уларнинг розилиги билан экспертиза тайинлаши мумкин.

2. Агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, Ҳакамлик (арбитраж) суди



1) арбитраж суди томонидан белгиланадиган аниқ масалалар бўйича ўзига хулоса тақдим этилиши учун бир ёки бир неча экспертни тайинлаши мумкин;

2) тарафдан экспертга ишга тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этишни ёки ишга тааллуқли ҳар қандай ҳужжатларни, товарларни ёки бошқа мол-мулкни кўздан кечириш учун беришни ёхуд кўздан кечириш имкониятини яратишни талаб қилиши мумкин.

Тарафларнинг бошқача шартлашуви мавжуд бўлмаган тақдирда, эксперт, агар тараф илтимос қилса ёки арбитраж суди зарур деб ҳисобласа, ўзининг ёзма ёки оғзаки хулосаси тақдим этилганидан кейин тарафларга унга саволлар бериш ва низоли масалалар бўйича кўрсатувлар бериш учун гувоҳ-экспертларни таништириш имконияти бериладиган эшитувда иштирок этиши керак.

3. Эксперт қўшимча материалларни тақдим қилиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли.

4. Эксперт хулосаси ёзма шаклда тақдим қилинади.

5. Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири илтимос қилса ёки Ҳакамлик суди буни лозим деб топса, эксперт ўзининг ёзма хулосасини тақдим этганидан сўнг Ҳакамлик суди мажлисида иштирок этиши лозим, бунда ҳакамлик муҳокамаси тарафларига ва Ҳакамлик судига экспертизани ўтказиш ва эксперт хулосаси тайёрлаш билан боғлиқ бўлган саволлар билан экспертга мурожаат қилиш имконияти берилади.

6. Ҳакамлик суди экспертиза тайинлаш тўғрисида ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

#### **34-модда. Ҳакамлик суди мажлисининг баённомаси**

1. Ҳакамлик суди мажлисида, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, баённома юритилади.

2. Баённомада Ҳакамлик судининг номи, ишнинг рақами, суд мажлиси жойи, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ва уларнинг вакиллари иштироки тўғрисида маълумот, ҳакамлик судьялари, экспертлар, гувоҳлар, таржимонлар ва Ҳакамлик суди мажлиси бошқа иштирокчиларининг исми ва фамилияси, Ҳакамлик суди мажлиси ўтказилишининг қисқача тавсифи, тарафларнинг талаблари ва тарафларнинг бошқа муҳим мулоҳазалари, мажлисни кейинга қолдириш ёки ишни тугатишнинг асослари, Яқка тартибда ишни кўраётган ҳакамлик судьяси ёки Ҳакамлик таркиби раиси, мажлис котибининг имзолари кўрсатилиши керак.

3. Баённома Ҳакамлик суди котибиятининг ходими ёки Ҳакамлик судининг раиси томонидан жалб қилинган бошқа шахс томонидан юритилади.

4. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари баённома билан танишиш ҳуқуқига эга.

#### **35-модда. Низони келишув битимига эришиш йўли билан ҳал қилиш**

1. Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар қандай босқичида ҳакамлик судьялари ўзларида мавжуд бўлган имкониятлардан низони ҳакамлик муҳокамаси тарафлари келишув битими тузиш йўли билан ҳал қилишда фойдаланишлари керак.

2. Келишув битими ҳакамлик муҳокамасининг ҳар қандай босқичида Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори қабул қилингунча тузилиши мумкин.

3. Агар келишув битими қонун ҳужжатларига зид, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳамда у шарт асосида тузилган бўлмаса, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг илтимосномасига биноан Ҳакамлик суди келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

4. Агар арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафлар келишувга эришиш йўли билан низони ҳал қилса, арбитраж суди муҳокамани тугатади ва тарафларнинг илтимосига кўра ва, агар арбитраж суди томонидан эътирозлар мавжуд бўлмаса, ушбу ҳал қилиш келишилган шартлар асосидаги арбитраж ҳал қилув қарори тарзида қайд этади.

Арбитражнинг келишилган шартлар асосидаги ҳал қилув қарори бўлиб, Регламент қоидаларига мувофиқ қабул қилиниши ва унда у арбитражнинг ҳал қилув қарори эканлиги



кўрсатилиши керак. Бундай арбитраж ҳал қилув қарори низонинг мазмуни бўйича ҳар қандай бошқа арбитражнинг ҳал қилув қарори каби кучга эга бўлади ва амал қилади.

### **36-модда. Ҳакамлик муҳокамасида медиациянинг қўлланилиши**

1. Ҳакамлик муҳокамасида медиация низони кўриб чиқиш жараёнида Ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин.

2. Ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари томонидан медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш ҳақида келишув тузилган тақдирда, ҳакамлик суди медиация тартиб-таомили тугагунига қадар ҳакамлик муҳокамасини қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

3. Агар тарафлар медиатив келишувни тузса, Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамасини тугатади.

### **37-модда. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш**

1. Ҳакамлик суди қуйидаги ҳолларда даъво аризасини кўрмасдан қолдиради, агар: фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, бошқа ҳакамлик суди иш юритувида айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

даъвогар низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган бўлса;

даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган ҳакамлик муҳокамаси тарафлари уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг Ҳакамлик суди мажлисига узрли сабабларсиз келмаса;

даъвогар Ҳакамлик судининг биринчи мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса;

жавобгарга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва жавобгарга нисбатан тақдим этилган талаб қонунга кўра банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилиши лозим бўлса.

2. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида Ҳакамлик суди ажрим чиқаради. Ҳакамлик суди ажримда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида Ҳакамлик суди харажатларини тақсимлаш, ҳакамлик йиғимини қисман қайтариш тўғрисидаги масалалар ҳал қилиниши мумкин.

3. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин даъвогар Ҳакамлик судига даъво аризаси билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли.

### **38-модда. Ҳакамлик муҳокамасини тугатиш**

1. Ҳакамлик суди қуйидаги ҳолларда ҳакамлик муҳокамасини тугатади, агар: ҳакамлик суди ўз ҳал қилувиغا топширилган низони кўриб чиқиш учун ҳакамлик суди ваколатга эга эмаслиги тўғрисида ажрим чиқарса;

даъвогар ўзининг даъво талабидан воз кечса ва жавобгар ҳакамлик муҳокамасини тугатишга қарши эътироз билдирмаса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида келишувга эришса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари келишув битими тузса ва у ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан тасдиқланса;

ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари медиатив келишув тузган бўлса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлган юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилган бўлса;



ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлган жисмоний шахс вафот этган бўлса ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса ёхуд бедарак йўқолган деб топилган бўлса ва ҳуқуқий ворисдан ҳакамлик муҳокамасини давом эттириш тўғрисида ариза тушмаса;

айни бир ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича келиб чиққан низо юзасидан ваколатли суднинг ёки ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса.

2. Ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида Ҳакамлик суди ажрим чиқаради, келишув битимини тасдиқлаш ҳоллари бундан мустасно. Ҳакамлик суди ажримда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида Ҳакамлик суди харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги, ҳакамлик йиғимини қисман қайтариш ҳақидаги масалалар ҳал қилиниши мумкин.

3. Мазкур модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича тугатилган ҳакамлик муҳокамасига доир низо тугатилган ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири томонидан ваколатли судга топширилиши мумкин.

### **5-боб. Ҳакамлик судининг ҳужжатлари**

#### **39-модда. Ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши**

1. Ҳакамлик суди низо ҳолатлари текширилганидан сўнг Ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьяларининг кўпчилик овози билан ёки яқка тартибдаги ҳакамлик судьяси ҳал қилув қарори қабул қилади.

2. Ҳал қилув қарори Ҳакамлик судининг мажлисида эълон қилинади. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисмини эълон қилишга ҳақли. Бундай ҳолда асослантирилган ҳал қилув қарори унинг хулоса қисми эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ҳакамлик муҳокамаси тарафларига юборилиши керак.

3. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

4. Ҳакамлик суди, агар зарур деб топса, ҳал қилув қарори қабул қилишни кечиктиришга ҳамда ҳакамлик муҳокамасини қайтадан бошлашга ҳақли бўлиб, ҳакамлик муҳокамаси тарафларига бу ҳақда хабар берилади.

#### **40-модда. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмуни**

1. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ёзма шаклда баён этилади ва Ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари томонидан, шу жумладан алоҳида фикрга эга бўлган ҳакамлик судьяси томонидан имзоланади. Ҳакамлик судьясининг алоҳида фикри Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорига илова қилинади.

2. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Ҳакамлик судининг номи;

ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

ҳакамлик муҳокамаси ўтказилган жой;

иш рақами;

Ҳакамлик судининг таркиби;

ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари бўлган юридик шахсларнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари вакилларининг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилияси, исми, отасининг исми;

Ҳакамлик суди ваколатларининг асослари;

даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг эътирозлари, шунингдек уларнинг илтимосномалари;

Ҳакамлик суди томонидан аниқланган низо ҳолатлари, Ҳакамлик судининг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар, ҳал қилув қарорининг қабул қилишда Ҳакамлик суди амал қилган нормалар.

3. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз қилинган ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида Ҳакамлик судининг хулосалари бўлиши керак. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида низони Ҳакамлик суди ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар суммаси, мазкур харажатларнинг ҳакамлик муҳокамаси тарафлари



ўртасида тақсимланиши, зарур ҳолларда эса, қабул қилинган ҳал қилув қарорини ижро этиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

#### **41-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори**

1. Тарафлардан бири Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олганидан сўнг, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси давомида арз қилинган ва кўриб чиқилган, аммо қабул қилинган ҳал қилув қарорида ўз аксини топмаган даъво талаблари бўйича қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан ўн кун ичида Ҳакамлик судига бу ҳақда бошқа тарафни хабардор қилган ҳолда мурожаат этиши мумкин. Низони ҳал қилган Ҳакамлик суди таркиби мазкур ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида уни кўриб чиқиши керак.

2. Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш Ҳакамлик суди мажлисида амалга оширилади.

3. Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинади ёки қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилади.

#### **42-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш**

1. Ҳакамлик муҳокамаси тарафи Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олганидан сўнг ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги ариза билан ўн кун ичида Ҳакамлик судига, бу ҳақда ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафини хабардор қилган ҳолда, мурожаат этишга ҳақли. Низони ҳал қилган Ҳакамлик суди таркиби ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида уни кўриб чиқиши керак.

2. Ҳакамлик суди ўзи қабул қилган ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга ҳақли.

3. Тегишли аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

#### **43-модда. Ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш**

1. Низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилган Ҳакамлик суди ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг аризасига кўра тузатишга ҳақли.

2. Ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги аризани низони ҳал қилган Ҳакамлик суди таркиби ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқиши керак.

3. Тегишли аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

#### **44-модда. Ҳакамлик судининг ажрими**

1. Ҳакамлик суди низонинг мазмунига дахл қилмайдиган масалалар юзасидан ажрим чиқаради.

2. Ҳакамлик судининг ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

#### **45-модда. Ҳакамлик судининг ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини тасдиқлаш**

1. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ва ажрими ҳакамлик судьялари томонидан имзолангандан сўнг Ҳакамлик судининг муҳри билан тасдиқланади.

2. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ва ажрими нусхалари Ҳакамлик судининг муҳри босилган Ҳакамлик судининг раиси имзоси билан тасдиқланади.

#### **46-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижро этиш**



1. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур ҳал қилув қарорида белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади.

2. Агар Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши керак.

3. Агар Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у қонунчиликда кўрсатилган тартибда мажбурий ижро этилиши керак.

## 6-боб. Яқунловчи қондалар

### 47-модда. Ҳакамлик иши

1. Ҳакамлик иши ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан Ҳакамлик судига тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриш жараёнида Ҳакамлик суди томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган Ҳакамлик суди ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

2. Ҳакамлик иши электрон шаклда шакллантирилиши мумкин. Ҳакамлик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳужжатларни электрон шаклда Ҳакамлик судига тақдим этишга ҳақли. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан Ҳакамлик судига тақдим этилган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда кўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

3. Ҳакамлик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, Ҳакамлик суди ҳужжатлари ҳакамлик судьясининг (судьяларининг) электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, Ҳакамлик суди мажлисларининг ҳамда алоҳида процессуал ҳаракатларнинг баённомалари эса раислик қилувчининг ва Ҳакамлик суди мажлиси котибининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

4. Зарур бўлган ҳолларда ва Қонун асосида электрон шаклдаги Ҳакамлик ишидаги ҳужжатларни ваколатли судга ёки бошқа органга ўтказиш телекоммуникация каналлари орқали амалга оширилади.

5. Электрон шаклда шакллантирилган Ҳакамлик ишининг қоғоздаги кўчирма нусхаси бўлиши мумкин.

### 48-модда. Низоларга доир ишларнинг сақланиши

Ҳакамлик судида кўрилган ишлар ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб Ҳакамлик судида уч йил мобайнида сақланади.

### 49-модда. Ушбу Регламентнинг кучга кириши

Ушбу Регламент 2022 йил "11" *сентябрь* таърихида кучга кириди.

